

ҚАРИ КИШИЛАРДА РЕВМАТОИД АРТРИТ КАСАЛЛИГИНИНГ КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Усмонова Давлатхон Сотволдиевна

2- сон Фарғона Абу Али ибн Сино

номидаги жамоат саломатлиги техникуми.

Қари кишиларда ревматоид артрит (РА) касаллигида буғим синдром хусусиятларини аниқлаш, касалликни эрта ташхислаш, беморлар хаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни камайтириш.

Ишнинг максади. РА касаллигининг бугим синдром хусусиятларини урганиш, клиник, лаборатор ва инструментал белгиларига асосланган ва огирлик даражасини аниқлаш.

Текшириш материали ва усуллари. Текширувимизда РА касаллиги билан даволанган беморлар кўрсаткичлари ташкил этди. Кузатув ва текширувдан 88 нафар бемор: 63 нафар - аёл (71,6%), 25 нафар - эркак (28,4%) ўтказилди. Беморлар ёши 16-73 йил (ўртача – $42,1 \pm 1,3$ йил), касаллик давомийлиги 6 ойдан 30 йилгача (ўртача – $6,5 \pm 0,5$ йил) бўлди.

Ёшига кўра барча беморлар 2 группага бўлинди: биринчи группага 48 нафар 60-73 ёшдаги (ўртача ёш – $69,5 \pm 2,2$ йил) бемор: 32 аёл, 16 эркак киргизилди. Иккинчи группага 16-59 ёшдаги (ўртача – $34,2 \pm 3,2$ йил) 40 нафар бемор: 31 аёл, 9 эркак киргизилди.

1. Назорат группадаги беморлар 40 нафар бўлиб, уларнинг ёши 16-59 ёшлар орасида (ўртача – 34,2 йил) бўлди.

2. Асосий группадаги беморлар 48 нафар бўлиб, уларнинг ёши 60-73 ёшлар орасида (ўртача - 69,5 йил) бўлди.

Назорат группадаги 40 нафар бемордан 31 нафари аёллар бўлиб, улар 77,5% ни, эркаклар 9 нафар бўлиб, улар 22,5% ни ташкил этди. Назорат группада аёллар/эркаклар нисбати - 3,4/1 нисбатда бўлди.

Асосий группада 48 нафар бемордан 32 нафари аёллар бўлиб, улар 66,6% ни, эркаклар 16 нафар бўлиб, улар 33,3% ни ташкил этди. Асосий группада аёллар/эркаклар нисбати – 1,9/1 нисбатда бўлди.

Олинган натижалар ва тахлили. Ушбу келтирилган маълумотлар бўйича дастлабки хулоса қилинганда, РА касаллиги ёш ва ўрта ёш беморларда аёллар орасида эркакларга нисбатан 4 марта кўп учрайди. Кекса ва қари ёшларда жинс орасида касалликни учраш частотаси нисбати камаяди ва касаллик аёллар ва эркаклар орасида 1,9 марта кўп учрайди. 60 ёшдан катта беморларда ўрта катталиқдаги буғимлар - чакка-жағ, елка буғими, чаноқ-сон буғими, тизза буғимлари, умуртқа поғонасининг зарарланишлари ёш беморларга нисбатан 1,2-1,9 марта кўп учрайди, бу эса беморларни жисмонан ва маънавий азоб чекишлари, характ фаолликларини чекланиши, ўзгалар кўмагига муҳтож бўлиб қолишлари ва ногиронликларига сабаб бўлади. Буғим синдромининг миқдорий

кўрсаткичлари – бугимларнинг эрталабки қотиш давомийлиги, ВАШ бўйича оғриқ, зарарланган бугимлар сони, П.Ли функционал тести ва бармоқлар манипуляция қобилияти беморларнинг ёшини ошувига мос равишда кўпайиб боради. 60 ёшдан катта беморларда Штейнброкер бўйича касалликнинг III ва IV рентгенологик босқичи 80,2% беморда, 60 ёшдан кичик беморларда нисбатан 1,8 марта кўп аниқланади. 60 ёшдан катта кишиларда РА касалликнинг фаоллиги, ривожланиши, клиник кечиши, зарарланган бугимларнинг рентгенологик босқичи ва функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ялиғланишга қарши ностероид, стероид ва базис препаратлари (сульфасалазин, метотрексат, лефуламид), кальций пераратларни эрта тавсия этиш лозим. РА касаллигида стационар даводан кейин “Ижобий” натижалар касаллик урта давом (5-10 йил) этаётган, бугимлар фаолияти чуқур узгармаган беморларда, “Жуда яхши натижалар” касаллик узок давом этмаганида (5 йилгача), бугимлар фаолияти сакланиб қолган беморларда, “Кониқарсиз” натижалар 15 йилдан ортиқ РА билан касалланган, бугимлар фаолиятини III даражада бузилган, ногирони ва доимий равишда узгалар кумагига мухтож беморларда кўп аниқланди. Ёшга кўра таҳлил этилганда ижобий натижалар 60 ёшдан кичик беморда, қониқарсиз натижалар 60 ёшдан катта беморларда кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ғ. О. Ҳайдаров, Ш. Х. Эрматов. “Ички касалликлар”. Тошкент. “Илм Зиё” 2005й.
- 2.М. Ф. Зияева. “Ички касалликлар”. Тошкент. “Илм Зиё” 2004 й.
- 3.Н. Н. Федюкович. “Внутренние болезни”. Ростов на Дону. “Феникс” 2006й.
- 4.Э. В. Смолева “Сестринское дело в терапии с курсом первичной медицинской помощи”. Ростов на Дону. “Феникс” 2005 .
- 5.Ҳ. Р. Сайдахмедова, Д. И. Эрметова. “Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда шошинч ёрдам”. Умумий амалиёт фельдшерлари учун ўқув - услубий қўлланма. Тошкент. Тошкент Автомобилсозлар институти нашриёти. 2012 й.